



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) QARORI

20 22 yil "18," март

№ 27/10-қр

Toshkent sh.

“Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг акцияларини йириклаштириш, уставига ўзгартишлар киритиш ва акцияларини “Тошкент” Республика фонд биржасининг котировкалаш варағига киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, Қонунлари, “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”, “Тошкент” Республика фонд биржасининг биржа котировкалаш варағи тўғрисида”ги Низоми, Давлат тендер комиссиясининг 2022 йил 22 февралдаги 28-сонли баёни қарорига ҳамда “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2022 йил 8 февралдаги 05/102-сонли мурожаатига асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ–5992-сон Фармонига мувофиқ, “Ўзагроэксспортбанк” АТБ устав капиталидаги акция пакетини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказган ҳолда хусусийлаштириш белгиланганлиги;

Давлат тендер комиссиясининг 2022 йил 22 февралдаги 28-сонли баёни қарорига мувофиқ, “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда номинал қиймати 1 сўм бўлган 20 дона акциясини номинал қиймати 20 сўм бўлган 1 дона акцияларга айрибошлаш орқали йириклаштириш ҳамда банкнинг қимматли қоғозларини “Тошкент” Республика фонд биржасидаги биржанинг котировкалаш варағига киритиш чоралари кўриш қайд этилганлиги;

“Тошкент” Республика фонд биржасининг биржа котировка варағи тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини фонд биржанинг биржа котировкаси варағига киритиш учун мазкур жамият акциядорларининг ёки Кузатув кенгашининг қарори қабул қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда жойлаштирилган номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 70 937 580 620 (етмиш миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион беш юз саксон минг олти юз йигирма) дона умумий қиймати 70 937 580 620 (етмиш миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион беш юз саксон минг олти юз йигирма) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акцияларни 20:1 нисбатда ҳудди шу турдаги янги номинал қиймати 20 (йигирма) сўм бўлган 3 546 879 031 (уч миллиард беш юз қирқ олти миллион саккиз юз етмиш тўққиз минг ўттиз бир) дона умумий қиймати 70 937 580 620 (етмиш миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион беш юз саксон минг олти юз йигирма) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акцияларга айрибошлаш орқали йириклаштирилсин ҳамда акцияларни йириклаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин:

а) “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг номинал қиймати 20 (йигирма) сўм бўлган 3 546 879 031 (уч миллиард беш юз қирқ олти миллион саккиз юз етмиш тўққиз минг ўттиз бир) дона умумий қиймати 70 937 580 620 (етмиш миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион беш юз саксон минг олти юз йигирма) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилади;

б) чиқарилаётган акциялар ягона акциядор Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади;

в) чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь куни давомида жойлаштирилади:

- акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кун ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади;

- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кундан ошмаслиги лозим;

г) чиқарилаётган акциялар Банкнинг аввал жойлаштирилган номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 70 937 580 620 (етмиш миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион беш юз саксон минг олти юз йигирма) дона оддий акцияларини 20:1 коэффициентда айрибошлаш орқали бирор бир фуқаролик-ҳуқуқий битим (шартнома) тузилмасдан жойлаштирилади, бунда акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди;

д) ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

е) чиқарилаётган акциялар янги номинал қиймати бўйича 20 (йигирма) сўмдан жойлаштирилади;

ё) ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Банк устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан аввал чиқарилган акцияларни йириклаштириш амалга оширилаётганлиги сабабли, ушбу акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санада тўлиқ тўланган ҳисобланади.

ж) ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов воситаларини қайтариш назарда тутилмайди.

3. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг:

акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарори 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

уставига унинг жойлаштирилган ва эълон қилинган акцияларининг номинал қийматига ҳамда сонига киритилаётган тегишли ўзгартишлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва Уставига киритилган ўзгартишлар матнини имзолаш ваколати директор ўринбосари Б. Усмоновга берилсин;

акциялари янги чиқарилиши амалга оширилган тақдирда, аввал 2017 йил 30 ноябрда Р0879-сон, 2018 йил 17 мартдаги Р0879-2-сон ва 2019 йил 1 августдаги Р0879-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишлари бекор қилиниб, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқарилишига сабаб бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг акциялари янги чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, янги чиқарилган акциялар “Тошкент” Республика фонд биржасининг котировкалаш варағига белгиланган тартибда киритилсин.

5. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ бошқаруви (Н. Алимов) банкнинг уставига киритилган ўзгартишлар матнини, акциялар янги чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда янги чиқарилаётган акцияларни “Тошкент” Республика фонд биржасининг котировкалаш варағига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш директор ўринбосарлари Б. Усмонов ҳамда А. Миралиев зиммаларига юклансин.

Директор

(аслига тўғри)

DEVONXONA

А. Ортиқов

